БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

11-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 34 (2582)

16 ФЕВРАЛЬ
ЯКШАНБА
1964 йил

Баҳоси 3 тийин.

## *Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида*

## *ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ*

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми 1964 йил 15 февралда Кремлнинг Съездлар саройида ўз ишини давом эттирди.

Пленум қарор лойиҳасини тайёрлаш учун тузилган комиссиянинг ахборотини тинглади. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми «Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни тезроқ кўпайтириш учун ўғитлардан кенг фойдаланиш, суғориш ишларини ривожлантириш, комплекс механизациялаш ҳамда фан муваффақиятлари ва илғор тажрибани жорий қилиш асосида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш тўғрисида» якдиллик билан қарор қабул қилди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тамомлади.

# ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ИНТЕНСИВЛАШ — ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БОШ ЙЎЛИ

## *КПСС Марказий Комитетининг Пленумида 1964 йил 14 февралда*

# ЎРТОҚ Н. С. ХРУЩЧЕВ НУТҚИ

Ўртоқлар!

Биз КПСС Марказий Комитетининг жуда муҳим масалага бағишланган Пленуми ишини тугалламоқдамиз. Пленум қарорлари XXII съездда қабул қилинган партия Программасини бажаришга, бутун экономикамизни ривожлантиришга, халқнинг озиқ-овқат маҳсулотларига ўсиб бораётган талабларини қондиришга батамом ва тўла равишда қаратилган қарорлар бўлади.

Докладдан, қўшимча докладлардан ҳам, шунингдек бу Пленумда сўзланган бошқа нутқлардан ҳам ўзимнинг ғоят мамнун бўлганлигимни айтмасдан ўта олмайман. Бу ерда партиямиз ва халқимизнинг тўла монолитлиги ва жипслиги, партия Программасини амалга ошириш йўлида Марказий Комитет сарфлаётган куч ва ғайрат якдиллик билан қувватланаётганлиги намойиш қилинди. **(Давомли қарсаклар).**

Докладлар ва нутқлар қишлоқ хўжалигини юксалтириш ва уни интенсивлаштириш йўлига ўтказиш муҳимлигини ҳаммамиз якдиллик билан тушунганлигимизни кўрсатди. Тушуниш катта иш. Лекин бу — масаланинг фақат бир томони. Бироқ биз тушуниш билан бирга ташкилий ишлар қилмасак, ирода, сабот-матонат ҳам кўрсатмасак, у ҳолда истакнинг ўзи воқеликка айланмайди, албатта рўёбга чиқа қолмайди.

Қарор қабул қилиб ўз иродамизни, ўзимизнинг жипслигимизни ва бу масаланинг муҳимлигини якдил бўлиб тушунганлигимизни билдирганимиздан кейин ўзимизнинг ташкилотчилик қобилиятларимизни кўрсатишимиз лозим, барча колхозчилар, механизаторлар, совхоз ходимлари, раҳбарлар, олимлар ва мутахассисларнинг — қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида халқ бахт-саодати учун меҳнат қилаётган барча кишиларнинг куч ва ғайратини конкрет ишларга йўллашимиз лозим. Партиямизнинг кучи ҳам худди шундаки, унинг сўзи билан иши бир-биридан ажралмайди.

Бу Пленумда сўзга чиққан ўртоқлар шу Пленумнинг ишини ўтган Пленум билан — Марказий Комитетнинг декабрь Пленуми билан тўғри боғлаб гапирдилар.

Бундан икки ой муқаддам Марказий Комитет Пленумида коммунистик қурилишнинг жуда муҳим масалалари муҳокама қилинди. Партия химия саноатини жадал ривожлантиришнинг миқёси ва аҳамияти жиҳатидан мисли кўрилмаган программасини ишлаб чиқди. Бу программани бутун халқ якдиллик билан қувватлади. Мамлакатимиз меҳнаткашлари Пленум қарорларини маъқуллабгина қолмадилар, шу билан бирга улар бу қарорларни ўзларининг қаҳрамонона меҳнатлари билан амалга ҳам оширмоқдалар.

Марказий Комитет декабрь Пленумининг қарорларини муҳокама қилиш, партия билан халқнинг бирлигини кўрсатаётган тўлқинлантирувчи намойишга айланди. Химияни жадал ривожлантириш учун мўлжалланган план ҳар бир совет кишисининг иши бўлиб қолмоқда. Модомики улкан химияни вужудга келтириш учун бутун халқ ишга киришган экан, у партия раҳбарлигида мана шу қийин, лекин кечиктириб бўлмайдиган ва муҳим вазифани ҳал қилишига ишониш мумкин.

Марказий Комитет декабрь Пленумининг қарорларини халқимиз тарихий қарорлар деб айтмоқда. Ҳақиқатан ҳам шундай. Химия саноатини жадал ривожлантириш тадбирларининг амалга оширилиши коммунистик қурилишнинг бутун боришига чуқур таъсир ўтказади. Бу нарса КПСС Программасининг коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш тўғрисидаги асосий қоидаларини бажаришнинг ҳар томонлама ишлаб чиқилган, конкрет планидир.

Совет экономикасининг ҳамма тармоқлари учун химиянинг ғоят катта аҳамияти бор. Лекин химиянинг қишлоқ хўжалигига кўрсатадиган таъсири айниқса катта. Аслини олганда қишлоқ хўжалигини химиялаштириш — қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги, уни интенсивлаш йўлидан ривожлантиришдаги революциядир. Америка Қўшма Штатларида ва тараққий этган бошқа капиталистик мамлакатларда қишлоқ хўжалиги бир неча ўн йил мобайнида химиялаштирилган бўлса, биз бу ишни атиги етти йил ичида бажаришимиз керак ва биз бу вазифани албатта бажарамиз.

Мамлакатимизда ўғитлар ишлаб чиқариш қуйидаги тартибда кўпайтирилади:

| | |
|---|---|
| 1953 йилда | 7 миллион тонна |
| 1963 йилда | 20 миллион тонна |
| 1964 йилда | 25 миллион тонна |
| 1965 йилда | 35 миллион тонна |
| 1970 йилда | 80 миллион тонна |

Шундай қилиб ўғитлар ишлаб чиқаришнинг етти йил ичида ҳар йилги ўртача ўсиши қарийб 9 миллион тоннани ташкил қилади. Демак, Совет ҳокимиятининг дастлабки қирқ йили мобайнида минерал ўғитлар ишлаб чиқариш соҳасида ишга туширилган жамики қувватларга тенг келадиган миқдордаги қувват бир йил ичида ишга туширилади.

Капиталистик мамлакатлардаги баъзи сиёсатчилар бизни чўчитмоқчилар. Улар химияни ривожлантиришнинг мўлжалланган программасини бажаришга совет экономикасининг кучи етмайди, деб даъво қилмоқдалар. Бунинг учун улар энг тараққий этган капиталистик мамлакатларнинг биронтаси ҳам химияни ривожлантиришда бу хилдаги суръатларга шундай қисқа муддат ичида эриша олмаганлигини асосий далил қилиб кўрсатмоқдалар.

Бу хусусда нима дейиш мумкин? Дуруст, химияни вужудга келтиришнинг бундай катта программасини биронта ҳам капиталистик мамлакат шу қадар қисқа муддатда амалга ошира олмаган эди.

Лекин Совет Иттифоқи — қудратли социалистик мамлакатдир, улуғ Ленин мамлакатидир. Улкан химияни вужудга келтириш программасини бизнинг халқимиз, қаҳрамон ишчилар синфи, олимларимиз, инженерларимиз ва техникларимиз уддалай олади. Ҳозир бу программа миллион-миллион кишиларнинг меҳнати билан амалга оширилмоқда ва сўзсиз бажарилади. **(Қарсаклар).** Химияни ривожлантириш — коммунизм қуриш учун амалий курашдир. Совет халқи коммунизм тантанаси йўлида кўпгина шижоатлар кўрсатди. У химия фронтида ҳам янги зўр шижоат кўрсатади. **(Қарсаклар).**

Химия саноатини жадал ривожлантириш муносабати билан Марказий Комитетнинг декабрь Пленумида қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш вазифалари муҳокама қилинди, деҳқончилик ва чорвачилик соҳасидаги асосий йўллар кўрсатиб берилди. Лекин химия саноатини жадал ривожлантириш шароитида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш билан боғлиқ бўлган ҳамма масалаларни батафсил ва чуқур муҳокама қилмоқ учун имкониятимиз бўлмаган эди. Бу — янги, мураккаб ва масъулиятли иш.

Шу сабабли Марказий Комитетнинг махсус Пленумини чақириш, қишлоқ хўжалигини интенсивлаш проблемаларига тубдан бурилиш даврида партиянинг вазифаларини белгилаб олиш, интенсив қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини вужудга келтиришда илм ва фаннинг роли тўғрисида, фан муваффақиятларини ва илғор тажрибани практикага жорий қилиш тўғрисида тағин ҳам конкретроқ гаплашиб олиш зарур бўлиб қолди.

Бизнинг олдимизда катта ва қийин иш турибди, ўртоқлар. Химиялаштириш, ерларни суғоришни ва механизацияни ривожлантириш асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни қисқа муддат ичида икки-уч баравар кўпайтириш керак.

Партия деҳқончилик ва чорвачиликнинг асосий маҳсулотларини етиштиришни 1970 йилга қадар қуйидаги даражага етказиш вазифасини қўйди:

Дон — 14-16 миллиард пуд
Пахта — 6,8 миллион тонна
Қанд лавлаги — 86 миллион тонна
Кунгабоқар — 6,5 миллион тонна
Гўшт (сўйилган вазнда) — 20-25 миллион тонна
Сут — 115-135 миллион тонна

Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарадиган товар маҳсулоти анча кўпайтирилиши лозим.

Яқин йиллар ичида давлат тахминан қуйидаги миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиши керак:

| | 1964 йилда | 1970 йилда |
|---|---|---|
| Дон — миллиард пуд | 4,1 | 5,5 |
| Қанд лавлаги — миллион тонна | 70,2 | 86 |
| Пахта — миллион тонна | 5,0 | 6,8 |
| Кунгабоқар — миллион тонна | 3,6 | 5,7 |
| Чорва ва парранда — миллион тонна | 9,4 | 18 |
| Сут — миллион тонна | 32 | 60 |

Бу осон вазифа эмас. Бу вазифани биз бундан бир неча йил муқаддам уддалай олмас эдик, лекин у ҳозир тўла бажарса бўладиган вазифа бўлиб қолмоқда. Химия ривожлантирилиши билан мамлакатнинг энг қимматли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш учун шарт-шароит вужудга келтирилади.

## ҚУРИЛИШИМИЗНИНГ ТУБ МАСАЛАСИ

Ўртоқлар!

Марказий Комитет бу Пленумнинг иши қурилишимизнинг туб масаласига — қишлоқ хўжалигини интенсивлаш масаласига бағишланди.

Илгари, айтайлик, бундан ўн йил муқаддам партия қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш вазифасини қўя олармиди? Йўқ, ўша вақтда Совет Иттифоқининг қишлоқ хўжалиги жуда хароб эди. Колхозлар ва совхозларнинг экономикасини мустаҳкамламоқ учун давлат катта куч ва ғайрат сарфлаши керак эди. Партия бу ишга бутун совет халқини сафарбар қилди, жуда катта ишларни бажарди. Қишлоқ хўжалигининг техника-иқтисодий базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш соҳасида мана шу ўн йил ичида Совет ҳокимиятининг бундан олдинги бутун даврида қилинган ишларнинг ҳаммасига қараганда кўпроқ иш қилинди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ўтган ўн йил ичида қандай кўпайганлигини кўрсатувчи рақамлар Марказий Комитетнинг декабрь Пленумида айтиб берилган эди. Колхозлар ва совхозлар техника билан юксак даражада таъминланганлиги туфайли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни мана шундай кўпайтириш мумкин бўлиб қолди.

Қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш-иқтисодий базаси ўзи қандай ўзгарганлигини кўрсатувчи маълумотларни айтиб ўтишга ижозат бергайсиз:

Бизда қуйидаги миқдорда қишлоқ хўжалик техникаси бор эди:

| | 1953 йилда | 1963 йилда |
|---|---|---|
| Тракторлар (15 от кучига айлантириб ҳисоблаганда) — минг | 1.239 | 2.600 |
| Дон комбайнлари — минг | 318 | 533 |
| Силос комбайнлари — минг | 2,4 | 198 |
| Лавлаги ковлаб берадиган комбайнлар — минг | 4 | 52 |
| Юк автомашиналари — минг | 424 | 900 |
| Истеъмол қилинган электроэнергия — миллион киловатт-соат | 2.742 | 17.000 |

Шу вақт ичида қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш-иқтисодий базасининг ўзи тубдан ўзгарди. Бизда 1953 йилда бир миллион 239 мингта трактор бўлган бўлса, ҳозир икки миллион 600 мингта трактор бор. Худди шунингдек 318 мингта ўрнига 533 мингта ғалла комбайни бор. Электроэнергия истеъмол қилиш кўпайиб 2 миллиард 742 миллион киловатт-соатдан 17 миллиард киловатт-соатга етди.

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш соҳасида ҳали кўп иш қилишимиз керак, албатта.

Бизнинг сиёсатимиз тағин ҳам кучли тракторларни, кенг қамрайдиган ва кўп қаторли машиналарни жорий қилишга; тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналарининг иш тезлигини оширишга; кўп хил экинларни парвариш қилишга ярайдиган ва иш органларини алмаштириб туриш мумкин бўлган универсал машиналар яратишга қаратилиши лозим.

Икки смена бўлиб ишлашни жорий қилишда ўртоқ Мацепуро ўтказган тажрибани жуда қимматли тажриба деб ҳисоблайман, бу тажриба бизнинг техникамиздан қишлоқ хўжалигида тағин ҳам унумлироқ фойдаланишга имкон беради.

Биз дон ва бошқа баъзи экинлар ҳосилини йиғиб-териб олишни тўла равишда машиналаштирганмиз. Эндиликда қанд лавлаги, пахта, картошка ва бошқа экинлар ҳосилини йиғиб-териб олишни ҳам яқин йиллар ичида тўла равишда механизациялаш зарур.

Мамлакатимизнинг шароити жуда хилма-хил. Шу сабабли машиналарни яратаётганда ва ишлаб чиқараётган вақтда ҳар бир зонанинг конкрет талабини ҳисобга олиш керак.

Ҳозирги вақтда биз мамлакатни электрлаштириш соҳасида жуда катта иш қилмоқдамиз. Эндиликда давлат энергетика системаларидан қишлоқ хўжалигига кўп миқдорда электроэнергия ажратиб бериш учун имконият бор. Шуни эслайсизми, Сталин шахсига сиғиниш даврида колхозларга давлат энергетика системасидан электр қуввати бериш жиноят ҳисобланар эди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, кейинги ўн йил ичида қишлоқ хўжалигида электроэнергияни истеъмол қилиш олти баравардан зиёдроқ кўпайди. Бунда энг муҳими шуки, колхозлар ва совхозлар йирик давлат электростанцияларидан арзон электроэнергияни тобора кенг кўламда оладиган бўлиб қолдилар. Бу эса хўжаликларнинг экономикасига яхши таъсир қилмоқда. Давлат район электростанциялари бераётган электроэнергиянинг ҳар бир киловатт-соати 0,77 тийинга, колхозлардаги майда электростанциялар бераётган электроэнергиянинг ҳар бир киловатт-соати 8-10 тийинга тушади.

Электроэнергияни кенг қўлланиш чорвачиликда меҳнатни кўп талаб қиладиган асосий ишларни механизациялаш вазифасини ҳал этишга имкон беради.

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш, электрлаштириш ва химиялаштириш — меҳнат унумдорлигини оширишнинг, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг ҳал қилувчи шарти эканлигини ҳамма кадрларимиз тушуниб олишлари зарур.

Шу йиллар ичида қишлоқ хўжалигига сарфланаётган капитал маблағлар анча кўпайди, молия хўжалигининг аҳволи ғоят ўзгарди, колхозлар ва колхозчиларнинг даромадлари кўпайди. Баъзи маълумотларни келтириб ўтаман:

| | 1953 йилда | 1963 йилда |
|---|---|---|
| Қишлоқ хўжалигига давлат сарфлаган капитал маблағлар — миллион сўм | 985 | 5.100 |
| Колхозларнинг пул даромадлари — миллиард сўм | 3,8 | 16 |
| Колхозларнинг бўлинмас фондлари — миллион сўм | 5.444 | 29.900 |

Энди биз шу базага таяниб туриб қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлашни кескин равишда кўтариш, асосий экинларнинг ҳосилдорлигини ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш, ҳайдаладиган ерларнинг ҳар гектаридан олинадиган дон ҳосилини кўпайтириш, шунингдек ерларнинг ҳар юз гектарига ҳисоблаганда етиштириладиган гўшт ва сутни кўпайтириш вазифасини ҳозирги куннинг вазифаси қилиб ўз олдимизга қўйишимиз мумкин.

Интенсивлашнинг ўзи нима? Биз бу умумий тушунчани ишлаб чиқаришнинг конкрет тилига таржима қилишимиз керак. Колхозчи ёки совхоз ишчиси учун, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириб бераётган киши учун бундай интенсивлашнинг маъноси шуки, у айни бир миқдордаги маблағ ва куч сарфлаш билан қанча кўп маҳсулот олишини:

— Жўжани интенсивроқ боқиб етти ҳафта ичида бир килограмм икки юз грамм гўшт олиш фойдалими ёки шу жўжанинг ўзини 12-15 ҳафта боқиб худди шу миқдорда гўшт олиш фойдалими?

— Бир уяда 200 та тухум берадиган битта товуқни боқиш фойдалими ёки ҳар бири 60 тадан тухум берадиган учта товуқни мана шу уянинг ўзида боқиш фойдалими?

— Чўчқани беш-олти ой боқиб 90-100 килограмм гўшт олиш фойдалими ёки шу чўчқанинг ўзини 10-12 ой боқиб худди шу миқдорда гўшт олиш фойдалими?

— Бир гектар ерга буғдой экиб ва уни парвариш қилиб 30 центнер ҳосил олиш фойдалими ёки уч гектар ерга буғдой экиб унинг ҳар гектаридан 10 центнердан ҳосил кўтариб ана шу 30 центнер ҳосилни олиш фойдалими?

Қишлоқ хўжалигидаги интенсивлаш масалалари мана шу.

Қишлоқ хўжалиги ишларини интенсив равишда олиб бориш у ёки бу хўжаликнинг ихтисослаштирилганига, унинг имкониятидан тўғри фойдаланишга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Мамлакатимиз колхозлари ва совхозларида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш қандай характерда бўлиши лозим?

Аввало, зоналарни ихтисослаштириш, ҳар бир зонада мавжуд бўлган энг қулай шароитдан фойдаланиб шу зона учун мос келадиган маҳсулотни энг кўп етиштиришни таъминлашга қаратилиши лозим.

Масалан, Эстония, Латвия, Литва, Белоруссиянинг сут-гўшт чорвачилигини ривожлантириш учун яхши шарт-шароити бор.

Шунинг учун ҳам биз гўшт ва сут етиштиришни максимал равишда кўпайтириш, чўчқаларни боқиб семиртириш йўлини тутишимиз лозим. Бу соҳада бизда ўрнак бўладиган яхши намуналар бор.

Эстония республикасидаги «Эстония» колхозининг қишлоқ хўжалигига яроқли 3436 гектар, шу жумладан ҳайдаладиган 1350 гектар ери бор. Бу колхоз 1963 йилда қуйидагича ҳосил олди:

| | |
|---|---|
| Дон экинларининг ҳар гектаридан | 24,5 центнер |
| Картошканинг ҳар гектаридан | 197 центнер |
| Қанд лавлагининг ҳар гектаридан | 400 центнер |

силос учун экилган маккажўхорининг ҳар гектаридан 392 центнер, гибрид брюкванинг ҳар гектаридан 637 центнер;

Колхоз ернинг ҳар юз гектарига ҳисоблаганда 670 центнер сут, ҳайдаладиган ерларнинг ҳар юз гектарига ҳисоблаганда сўйилган вазнда 81 центнер чўчқа гўшти етиштириб берди.

Ҳар бир центнер чорвачилик маҳсулотининг таннархи қуйидагича бўлди:

| | |
|---|---|
| Мол гўшти | 45 сўм 96 тийин |
| Чўчқа гўшти | 62 сўм 71 тийин |
| Сут | 9 сўм 54 тийин |

Чорвачилик маҳсулотининг мана шу ҳамма турлари катта даромад бермоқда. Чорвачиликнинг товар маҳсулоти бутун маҳсулотга нисбатан 85-90 процентни ташкил қилади.

Бу фақат Болтиқ бўйи республикалари учунгина эмас, шу билан бирга мамлакатнинг бутун ғарби-шимолий зонаси учун ҳам яхши намунадир.

Ҳозир бу ерда эстонлар ўтиришибди, улар бу гап тўғри, лекин агар бизга ўтлоқлар учун ҳам минерал ўғит беришганида эди, биз тағин ҳам яхшироқ кўрсаткичларга эришган бўлур эдик, деб ўйлаётганликларини биламан. Эстониялик ўртоқларнинг бу фикри ҳам тўғри. Лекин биз бундай мақсадлар учун ўғитлар беришни бир оз тўхтатиб турганлигимиз ҳам тўғри, чунки минерал ўғитларга бўлган ҳамма талабларни тўла равишда қондириш учун ҳозирча бизнинг имкониятимиз йўқ, чунки минерал ўғитлар ҳозирча етишмай турибди. Лекин ўтлоқлар учун минерал ўғитларнинг муҳимлигини ва аҳамиятини тушунамиз. Ҳамма нарсани бирданига қилиб бўлмайди, лекин ўтлоқлар учун минерал ўғит берадиган вақт ҳам келиб қолади.

Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Г. Кэбин юборган киножурнални кўриб ҳузур қилдим.

Эстония олимлари, колхозчилари ва совхоз ишчилари қилган ишларига қойил бўлмаслик мумкин эмас. Улар маккажўхори етиштиришда жуда яхши натижаларга эришдилар ва шу асосда чорвачилик учун мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтирдилар.

Табиат иссиқни унчалик кўп бермаётган Эстония шароитида мана шундай натижаларга эришилди. Олимлар яхши ҳосил олишни назарий жиҳатдан исботлабгина қолмасдан, шу билан бирга бу ишда колхозларга ва совхозларга ёрдам ҳам беришди. Бундан ташқари улар ҳатто шу маккажўхорининг ўзидан уруғлик дон ҳам етиштириб олишди. Бу — катта иш.

Республика олимларини, тажрибакорларини ҳамда партия ва совет ташкилотларининг раҳбарларини бу муваффақият билан чин кўнгилдан қутлайман. **(Давомли қарсаклар).**

Бошқа бир зонани — Ростов областининг дашт қисмини олиб кўрайлик. Бу зонада дон, айниқса, буғдой етиштириш учун, қорамол ва қўйлар боқиш учун яхши шарт-шароит бор. Шу маҳсулотни етиштиришга ихтисослашган хўжаликлар катта муваффақиятларга эришмоқдалар.

Ростов областининг қурғоқчилик бўладиган дашт қисмидаги 163-от заводининг тажрибасини мисол қилиб кўрсатмоқчиман. Бу хўжаликни хурсанд бўлиб эсга оламан. Бир вақт биз от заводларини ердан ёмон фойдаланаётганликлари учун қаттиқ танқид қилган эдик.

Энди шу заводларнинг кўплари жуда сермаҳсул хўжалик бўлиб қолишди. Бу от заводлари дон, гўшт, сут ва бошқа маҳсулот етиштиришни анча кўпайтиришди.

163-от заводи 1953 йилда қанча маҳсулот берганлигини ва ҳозирги вақтда худди ўша ер майдонининг ўзидан қанча маҳсулот бераётганлигини қуйидаги рақамлар кўрсатиб турибди:

| | 1953 йилда | 1963 йилда |
|---|---|---|
| Қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг ҳаммаси — минг гектар | 55 | 54 |
| шу жумладан ҳайдаладиган ерлар — минг гектар | 14,5 | 37 |
| Дон экинлари майдони — минг гектар | 4,5 | 20,5 |
| шу жумладан Кузги буғдой — гектар | 1130 | 12348 |
| Дон экинларининг ҳосилдорлиги — центнер | 8,9 | 14,5 (1962 йилда 20,5) |
| Давлатга топширилган дон — минг пуд | 32 | 1433 |
| Гектар бошига топширилган дон — центнер | 1,2 | 11,4 |
| Бостириб қўйилган силос — минг тонна | — | 32 |

От заводида отлар бирмунча камайди, лекин бунинг эвазига маҳсулдор чорвалар туёғи ва давлатга чорвачилик маҳсулотларини сотиш анча кўпайди:

| Чорва моллар: | 1953 йилда | 1963 йилда |
|---|---|---|
| Қорамол | 1206 бош | 6450 бош |
| шу жумладан сигирлар | 261 бош | 2115 бош |
| Қўйлар | 11690 бош | 34346 бош |
| Давлатга топширилган чорвачилик маҳсулоти: | | |
| гўшт — центнер | 2250 | 11516 |
| Жун — центнер | 712 | 2032 |

Дон, гўшт ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтирмоқ учун совхозларимизда мана шундай имкониятлар бор.

От заводларини танқид қилганлигимиз яхши бўлиб чиқди. Ўша вақтда Семен Михайлович Будённий, Хрушчевнинг от заводларини танқид қилиб айтган гапларига тўла равишда қўшиламан, лекин бу камчиликлар ҳақидаги гапни унга ким етказган экан **(Залда кулги)** мен мана шуни билишни истар эдим, деган эди. Энди бўлса, Семен Михайлович мўйловини бураб, от заводлари мана шунақа ишларни уддалай олар эканлар, деб айтаётган бўлса керак, мен буни кўриб турибман! **(Залда жонланиш)** Тўғри, бу жуда ёқимли, табриклайман, ўртоқлар. **(Қарсаклар).**

Мана энди бу ерлар нима беряпти. Авваллари бу ерларда юмронқозиқларгина юрарди. Эндиликда кўряпсизми, бу ерлар одамларни яхши боқяпти.

Агар Қўриқ ўлкани олиб қарасак, бу ўлкада ихтисослаштириш амалга оширилаётган вақтда кўпгина совхозлар кўп миқдорда товар — буғдой етиштириш билан бир қаторда қорамолларни урчитиб, қўйларни кўпайтириб, тўғри иш қилмоқдалар.

Ўрта Осиё — суғориладиган деҳқончилик районн. Бу районда пахта — асосий экин.

Шу билан бирга пахта экилмаётган сувли ерларда биринчи навбатда: дон ва силос учун маккажўхори, шоли, узум, сабзавот ва бошқа экинлар ҳосили етиштирилиши лозим.

Колхозлар ва совхозлар суғориладиган ерларда маккажўхори ўстириш билан етарли миқдорда ем-хашакка, зарур миқдорда гўшт ва сут етиштириш имкониятига эга бўладилар.

Ҳар бир зонани ихтисослаштириш билан бир қаторда хўжаликнинг ичида ҳам ихтисослаштириш кенг авж олдирилиши лозим, масалан:

— Бир бригадада — сутчилик фермаси;

— Иккинчи бригадада — қорамолларни боқиб семиртириш;

— Учинчи бригадада чўчқаларни боқиб семиртириш авж олдирилиши лозим.

Катта фермаларнинг бўлиши чорвачиликдаги асосий меҳнат процессларини механизациялаштиришга, шунингдек, молларга озуқа тайёрлашни ва беришни механизациялаштиришга, меҳнат унумдорлигини оширишга имкон беради.

Ихтисослаштиришни ривожлантиришда биз товар маҳсулотининг муайян турларини етиштириб берадиган ихтисослаштирилган йирик хўжаликлар (сутчилик, сабзавотчилик совхозлари ва бошқа хил совхозлар) тузиш йўлидан ҳам боришимиз керак.

Қанд саноати зоналарида қанд заводлари ҳузурида қорамолларни боқиб семиртиришни ташкил қилиш керак. Кунжарани ҳўкизга келтиргандан кўра ҳўкизни кунжара тепасига олиб борган яхши. Бу арзон тушади, албатта.

Тухум етиштиришга келганда, одатда бу ишни ихтисослаштирилган совхозлар ва колхозларда ҳамда паррандачилик фабрикаларида ташкил этиш керак.

Бу арзон тухум етиштиришнинг энг реал йўлидир. Бундай ихтисослаштириш тамомила тўғри бўлиб чиқмоқда.

Қрим областида 1953 йилда ҳамма хўжаликлар тухум етиштириш билан шуғулланар эди. Область колхозлари ва совхозлари ўша вақтда 26 миллион дона тухум топширар эди. Ҳозир эса ихтисослашган иккита совхоз — «Красний» ва «Южний» совхозлари қарийб 45 миллион дона тухум топширмоқда. Ҳар ўнта тухумнинг таннархи шу совхозларда 40-48 тийинга тушмоқда. Аммо ихтисослашмаган бошқа совхозларда тухумнинг ҳар ўнтаси 70 тийинга тўғри келмоқда.

Ёки яна бир мисол. Белоруссия ССРнинг Гродно ишлаб чиқариш бошқармасида ҳамма колхозлар ва совхозлар тухум етиштириш билан шуғулланар эди. Колхоз паррандачилик фермаларининг ҳар қайсисида 200-300 товуқ бўлар эди.

Ҳозирги вақтда тухум етиштириш билан учта хўжалик шуғулланмоқда, ихтисослаштириш катта ўзгаришлар киритди. Шу ўзгаришларнинг баъзиларини кўрсатиб ўтаман:

| | Ихтисослаштиришдан олдин ҳамма колхоз ва совхозлар | Учта ихтисослаштирилган хўжалик |
|---|---|---|
| Давлатга сотилган тухум | 1 миллион 362 минг дона, | 8 миллион 869 минг дона |
| Тухумга кирган ҳар бир товуқдан ўрта ҳисобда | 52 дона тухум | 162 дона тухум |
| Олинган ўн тухумнинг таннархи | 1,5-2 сўм. | 45-50 тийин. |

Кейинги вақтларгача биз бу масалаларни деҳқонларнинг ўзларининг кичкина хўжаликларида ҳал қилганлари каби ҳал қилиб келган эдик, ваҳоланки, бизнинг колхозларимиз ва совхозларимиз йирик хўжаликлар-ку.

(Давоми иккинчи бетда).

# ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ НУТҚИ

(Боши биринчи ва иккинчи бетларда).

1958 йилда Павлодар областидаги тракторчи ўртоқ Логинов тракторнинг тракторчисиз ишлашига имкон берадиган автоматик мослама таклиф қилган эди.

Бу таклифни ишлаб чиқариш шароитида ўрганиш ва сўнгра ишлаб чиқаришга жорий қилиш топширилган эди. Бунга беш йил бўлди. Хўш, нима қилинди?

Бутуниттифоқ «Союзсельхозтехника» бирлашмаси раисининг ўринбосари ўртоқ Корбуд, ўртоқ Логиновнинг мосламасидан фақат ер ҳайдаш ишидагина фойдаланиш мумкин, деб хабар қилди. Тракторчи Логиновнинг таклифи мана шунга асосланиб амалий ишда тадбиқ қилинмай қолди.

Аммо энди капиталистик мамлакатларда мана шундай машинадан деҳқончилик ишида фойдаланилаётганлиги маълум бўлиб қолди. Голландиядаги «Протек» фирмаси «Агро-робот» деб аталган агрегат ишлаб чиқарибди.

Бу агрегат иккита етакчи ўқи бўлган рамага ўрнатилган дизель двигателдан ва ағдарма плугдан иборат.

Гидравлика системаси ёрдамида плугнинг ҳамма иши бошқарилиб туради ва агрегатнинг қаёққа юриши автоматик равишда кўрсатиб турилади. Бу агрегат моки принципида ишлайди.

Капиталистлар янгиликка мана шундай қарамоқдалар ва бизнинг баъзи ходимларимиз, аниқроқ қилиб айтсак — бюрократларимиз янгиликка мана шундай қарамоқдалар.

Новаторликка чиновникларча, бюрократларча муносабатда бўлиш қатъиян қораланиши, энг муҳими эса — бутунлай йўқотилиши лозим.

Шу муносабат билан қишлоқ хўжалик пропагандаси ва фан ютуқлари ҳамда илғор тажрибани жорий қилишни ташкил этиш масалалари юзасидан баъзи мулоҳазаларни айтиб ўтмоқчиман.

## ФАН ЮТУҚЛАРИ ВА ИЛҒОР ТАЖРИБАНИ ПРОПАГАНДА ҚИЛИШДА АКТИВЛИК, ҲУЖУМКОРЛИК БЎЛСИН

Илғор тажрибани пропаганда қилишнинг икки формася — актив формаси ва пассив формаси бор.

Афсуски, бизда пропаганданинг пассив формаси кўпинча устун туради.

Фан ютуқлари ва илғор тажрибани пропаганда қилишнинг пассив формасидаги камчилик шуки, у ҳужумкорлик характерида бўлмайди, иш охиригача — янгиликни ишлаб чиқаришга жорий қилишгача олиб борилмайди.

Практикада кўпинча шундай манзарани учратиш мумкин: у ёки бу хўжаликнинг тажрибаси кенг тушунтириб берилади — газета ва журналларда мақолалар босилади, илғорларнинг фотосуратлари босиб чиқарилади, олимлар ва мутахассислар лекция ва докладлар ўқийдилар, партия ташкилотлари кенгашлар ўтказиб, ана шу тажриба тўғрисида сўзлаб берадилар, новаторларнинг ўзлари ҳам сўзга чиқадилар.

Шундай пропагандадан кейин зарур ташкилотчилик иши кучайтириб юборилганида, бу ишларнинг ҳаммаси яхши натижа берган бўлур эди.

Янгиликнинг аҳамиятини эшитиб билган ва ҳақиқатан ҳам тушуниб олган, бу иш учун курашадиган киши тез орада илғор кишилар сафига ўтиб олади, ўз меҳнати, ўз ташаббуси билан хўжаликни кўтаради ва ривожлантиради.

Янгилик ҳақида гап борганда, иборам учун узр, эснаб ёки бурнини ковлаб ўтирган, эҳтимол, ҳам эснаб, ҳам бурнини ковлаб ўтирган ёки умуман хаёли бошқа ёқда бўлган кишининг, бундай ходимнинг қулоғига ҳеч нарса кирмай қолади. Баъзан шундай ҳоллар бўлиб туради, мен совхозларнинг директорлари ва колхозларнинг раислари ва бошқа раҳбарлари билан суҳбат қилганимда амалда бунга кўп марта ишонч ҳосил қилдим.

Мен илғор совхоз ёки колхозда хўжаликнинг у ёки бу тармоғини бошқаришнинг энг яхши намуналари тўғрисида уларнинг баъзиларига сўзлаб берганимда менинг суҳбатдошларим таажжубда қолар ва нима тўғрисида гап бораётган бўлса, шу нарсани яхши тушунмаганликлари сезилиб турар эди. Мен бу тўғрида газеталарда, журналларда, кинода батафсил гапирилганлигини уларнинг эсига солар эдим. Шу тўғрида кенгашда яхши гаплар бўлганлигини эслатиб ўтардим. Мен суҳбат қилган кишиларнинг баъзилари шу кенгашларда бўлганлигига, газеталарнинг обуначилари эканлигига аминман. Аммо илғор нарсаларнинг ҳаммаси тошиб оқаётган дарёдек бундай кишининг ёнидан оқиб ўта берди, ҳамма нарса денгизга оқиб, ғарқ бўлиб кетди, унинг хотирида эса ҳеч нарса қолмади.

Суҳбатларнинг бирида бир раисдан, кези келганда шуни айтиш кераки, иззат-ҳурматга сазовор бўлган кишидан қўл меҳнатини сарфламай қанд лавлагидан юқори ҳосил етиштираётган ўртоқ Светличний методидан хабарингиз борми, деб сўрадим.

— Йўқ, — деди у,— хабарим йўқ. У қаерда экан?

— Кубанда,— деб жавоб қайтардим унга.

— Мен Кубанда ҳеч қачон бўлган эмасман,— деди суҳбатдошим.

У, бутун гап шу билан тамом бўлди, деб ўйлаган бўлса керак. Ана шу раис қўл остидаги хўжалик эса паст савияда олиб борилаётгани йўқ, қолоқ хўжаликлардан ҳам эмас. Аммо у фақат ўз ишини билади, бундай ходимда билим бор, лекин бу билим ўз совхози ёки ўз колхозининг доираси билан чекланиб қолган.

Бу, такрор айтаман, фан ва илғор тажриба ютуқларига пассив муносабатда бўлишдир. Биз янгилик, илғорликни, фан яратиб берган ва практика тасдиқлаган нарсаларни пропаганда қилиш ва жорий этишнинг активроқ, таъсирчанроқ формасига ўтишимиз керак, токи илғор нарсаларнинг ҳаммаси амалда ишлаб чиқаришга жорий қилинадиган бўлсин.

Бинобарин, фан ютуқларини ва илғорларнинг тажрибасини матбуотда, кинода кўрсатиш билангина чекланмаслик керак. Ҳар бир колхоз ва совхозда, ҳар бир бригадада янгиликни ишлаб чиқаришга жорий қилиш лозим бўлган кишилар билан гаплашиш, бу кишиларни текшириш ва меҳнатдаги янги методларни уларга ўргатиш, ишлаб чиқаришдаги у ёки бу илғор процессни ўзлаштириб олишда уларга ёрдам бериш лозим.

Шундай актив форма қўлланилганда янги ишни бажаришга кимлар конкрет равишда киришаётганлигини, бу ишнинг аҳамиятини кимлар тушуниб олмаганлигини билиб оламиз. Киши ҳақиқатан ҳам тушуниб олмаган бўлса, унинг камолотга эришиб, янги ишни тушуниш даражасига кўтарилишини кутиб турмай, унга ўргатиш керак. Бунда, образли қилиб айтганда, мазкур ходимда янгиликка қизиқиш уйғотадиган, ана шу янгиликни тушуниб олишини енгиллаштирадиган қандайдир воситаларни, чораларни ишга солиш керак. Ана шу янгиликни мазкур колхоз ёки совхознинг конкрет шароитида қандай татбиқ қилиш кераклигини кишига ўргатиш лозим. Бу — ҳозирги вақтда энг муҳим иш, ўртоқлар!

Янгилик, илғорликни ишлаб чиқаришга актив суратда жорий қилишдан иборат ана шу вазифани бажармоқ учун биз ишлаб чиқариш бошқармаларини туздик. Ишни шу асосда ташкил этишни енгиллаштирмоқ учун партия органларимизни ҳам ишлаб чиқариш принципига мувофиқ ташкилий жиҳатдан қайта қурдик, уларни саноат партия органлари ва қишлоқ хўжалик партия органлари деб икки қисмга бўлдик. Бунинг натижасида партия ташкилотлари, партия ходимларининг қишлоқ хўжалигида илғорликни яхши сўз билан қўллаб-қувватлабгина қолмай, ишнинг кўзини чуқур билишлари учун шарт-шароит вужудга келтирилди. Қишлоқ хўжалигида илғорликни яхши сўз билан қўллаб-қувватлашгина эндиликда кифоя эмас. Баъзи кишилар, ҳатто илғор тажриба тўғрисида доклад ва лекциялар ҳам ўқийдилар. Бундай лекторни далада қўлидан ушлаб олиб: э биродар, бу ишни қандай бажариш кераклигини кўрсатиб бер, дейдиган бўлсак, ожиз кишидек ҳеч илож тополмай қолади. Бундай кишининг гапига қишлоқда, колхозда ким қулоқ солади. Одамлар бундай киши тўғрисида ишни билмайди-ю, лекин гап сотишга уста экан, дейдилар.

Партия ходимлари, ташкилотчилар ҳозирги шароитда партиянинг идеяси ва программасини билиш билан чекланиб қолмай, балки ўз ишини, ўзи ишлаётган ишлаб чиқариш тармоғини конкрет билишлари, хўжаликка малакали раҳбарлик қилишлари ҳам керак. Ишчилар синфи меҳнаткаш халқ манфаатларига хизмат қилмоқ учун партияни вужудга келтирди. Ленин бир неча бор таъкидлаб ўтганидек, ҳокимият қўлга олинганидан кейин мамлакат экономикаси ва маданиятини узлуксиз юксалтиришни, меҳнаткашлар турмуш даражасини узлуксиз ўстиришни таъминлаш зарур. Ленин партиясининг кучи шундаки, у ўз идеяларини саботматонат билан рўёбга чиқариб келмоқда.

Партия, совет ва хўжалик органлари ишлаб чиқаришга нечоғли конкрет ва малакали раҳбарлик қилсалар, биз бу вазифани ҳам шу қадар муваффақиятли бажарамиз.

Ишлаб чиқариш бошқармалари ишга киришганларидан буён ўтган қисқа вақт ичида ўз ишларида яхши натижаларга эришдилар. Аммо, афсуски, уларнинг фаолиятида айрим нуқсонлар ҳам бор.

Баъзи ишлаб чиқариш бошқармалари ҳали янгилик учун чинакам курашчиларга, фан ва илғор тажриба ютуқларини ҳар бир хўжаликда жорий қилиш ташкилотчиларига айланган эмас. Бу гапдан қандайдир янги формаларни қидириб топиш керак экан, деган маъно келиб чиқмайди. Йўқ. Ишлаб чиқариш бошқармаларига кўтарилган кишиларни ўқитиб-ўргатиш керак. Мен Марказий Комитет Президиумига ёзган хатимда ишлаб чиқариш бошқармаларининг ишини қайтариқа яхши ташкил этиш тўғрисидаги ва, жумладан, хўжалик тармоқлари бўйича ташкилотчи-инспекторларни танлаб олиш зарурлиги тўғрисидаги масалани кўтарган эдим. Масаланинг шу тарзда қўйилиши Пленумда қўллаб-қувватланди. Биз бу тадбирни яхшироқ ва тезроқ амалга ошириш тўғрисида ўйлаб кўришимиз керак.

Биз фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш масаласига конкрет ва амалий равишда ёндошмоғимиз керак. Шундай бир мисолни олиб кўрайлик. Академик Т. Д. Лисенко сигирларнинг сутини анча сер мой қилиш мумкинлигини назарий жиҳатдангина эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам исбот қилиб берди. Баъзи колхоз ва совхозлар сут таркибида 5 процент ва ундан ҳам кўпроқ ёғ бўлган ғоят маҳсулдор сигирчилик фермаларини Т. Д. Лисенконинг ёрдами билан муваффақиятли суратда ташкил этмоқдалар.

Мен яқинда Молдавия республикасининг ўртоқ Лисенко маслаҳати билан сигирларнинг сутини серёғ қилиш чораларини амалга ошира бошлаган колхоз ва совхозлар қўлга киритган муваффақиятларини кўрсатувчи киножурнални завқ билан томоша қилдим. Молдавия меҳнаткашлари ва олимлари қандай ишларни қилаётганликларини киножурналдан кўриб хурсанд бўласан, киши. Қандайдир айрим тажриба хўжалиги шароитларида эмас, балки кўпгина колхоз ва совхозларда 4,5 процентдан тортиб, 5,08 процентгача ёғи бўлган сут соғиб олинаётган сигирлар боқиб ўстирилди. Бу — катта ютуқ.

Сутни серёғ қилиш каби ғоят муҳим вазифани муваффақиятли суратда ҳал этаётган Молдавия республикасининг колхозчилари ва совхоз ишчиларига, олимларига, партия ва совет ходимларига ташаккур изҳор қилишга ижозат бергайсиз. (Давомли қарсаклар).

Бу ўрнак олишга арзийдиган намуна. Сўздан ишга ўтиш вақти келган. Биз баҳсларга қарши эмасмиз.

Дарҳақиқат, фан ўз ништарини баҳсларда, айрим олимлар ўртасидаги фикр курашида қайраб боради. Ижодий мунозараларни бўғиб қўйиш ярамайди, олимларнинг ташаббусини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш керак. Аммо, биз фақат кузатувчиларгина бўлиб, ҳеч қандай самара бермайдиган олимлар фан ва практикани бойитаётган ҳақиқий олимлар номига иснод келтираётганликларини пайқамай қолсак, бу бизнинг умумий манфаатларимизга зарар етказади.

Сигирларнинг сутини серёғ қилиш юзасидан ўртоқ Лисенко ишлаб чиққан методни нима учун ишлаб чиқаришга жорий қилмаётирлар? Бунга сабаб шуки, бу соҳада назарий баҳслар бўлиб турибди. Баъзи олимлар ўртоқ Лисенко позициясида турибдилар, унинг методига қўшиладилар, бошқа олимлар эса бунга эътироз билдирадилар, аммо, эътироз билдирибгина қолмай, балки янгиликнинг жорий қилинишига халақит ҳам бермоқдалар. Такрор айтаман, баҳслар бўлиши керак, баҳсларнинг йўлини тўсиш ярамайди, акс ҳолда, фан учун ва совет экономикасининг амалий қурилиши учун фойдали бўлган нарсаларнинг йўлини тўсиб қўйиш мумкин.

Аммо, илмий кашфиёт эксперимент босқичидан ўтиб, назарий мулоҳазалар тўғри чиққанидан кейин, бетараф бўлиб туриш ярамайди, фан қўлга киритган ва қурилишимиз планларини амалга оширишга ёрдам берадиган ишни давом эттира бериш керак. Сигирларнинг сутини серёғ қилиш соҳасидаги иш мени кўпдан буён қизиқтириб келмоқда. Бундан 8-10 йил муқаддам ўртоқ Лисенкога сутни серёғ қилиш йўллари тўғрисидаги масала узил-кесил ҳал этилди деб ҳисоблайсизми, деб берган саволим эсимда бор.

Йўқ, деган эди у, тажрибани давом эттира бериш, илмий экспериментларни практикада синаб кўриш керак. Ҳозирги вақтда сут таркибида беш процент ва бундан ҳам кўпроқ ёғи бўлган минг-минглаб сигирлар мавжуд бўлишига қарамай, ўртоқ Лисенко кеча сўзлаган нутқида тажриба қилиб, синаб кўришни давом эттирмоқдаман, деди. Серёғ сутли сигирлар ўртоқ Лисенконинг методи асосида ҳосил қилинди.

Олим ўз илмий тавсияларининг кучини турмушда, практикада яна ва яна бир марта текшириб чиқар экан, бу унинг яхши хислатидир.

Баҳс давом этаётганлигига сабаб нима? Гап шундаки, баъзи олимлар сутни серёғ қилиш проблемасини ҳал этишга уриниб кўрдилар. Бу олимларнинг фикрича, улар ўртоқ Лисенко ишлатган йўлдан борган эмишлар ва бундан ҳеч қандай натижа чиқмаган эмиш. Аммо, улар проблемани ўртоқ Лисенко қўлланган усулдан бошқача тарзда ҳал этмоқчи бўлдилар. Ўртоқ Лисенко масалани бошқача назарий асосда ҳал қилмоқда ва ижобий натижаларга эришди. Бирор кимса тегишли натижаларга эришмаган экан, бундан назарий нотўғри экан, деган маъно ҳали келиб чиқмайди.

Мен бу ўринда шу ишни рассомнинг иши билан таққослаб кўришим мумкин. Рассом сурат чизади, киши бу суратни кўриб, унинг ижодидан ҳузур қилади. Башарти, сурат чизишни билмайдиган рассом кистни қўлга олганида ўз «ижоди»дан ўзи ҳижолатда қолади. Шу сабабли, бирор кимсанинг сутни серёғ қилиш соҳасидаги иши ҳеч қандай натижа бермаганлигига, бошқа кишининг иши эса юришиб кетганлигига таажжубланмаслик керак.

Ҳозирги вақтда сутни серёғ қилишга етарли эътибор берилмаётганлигига сабаб нима? Бизда министрлик бор, чорвадор олимлар бор, зоотехниклар бор. Чорвадорларнинг ҳаммаси проблемани ҳал этишга киришадиган бўлсалар, янги методни сабот-матонат билан жорий қиладиган бўлсалар, у ҳолда шу вақтгача кўп иш қилиш мумкин бўлур эди.

Эҳтимол, барча сутчилик хўжаликлари ўн йил ичида сути серёғ бўлган сигирларга кўп миқдорда эга бўлган бўлур эдилар. Бунинг натижасида мамлакат қўшимча равишда жуда кўп маҳсулот олган бўлур эди.

Аммо биз сутни ғоят серёғ қилишга шу метод билангина эришиш мумкин, деб айтаётганимиз йўқ. Кўп сут берадиган говмиш сигирлар ўстиришнинг бошқа йўллари ҳам топилиши мумкин. Партия Марказий Комитети фақат қандайдир бир методни татбиқ этиш керак, деб айтиши мумкин эмас. Мен Марказий Комитетнинг Биринчи секретари ва Министрлар Советининг Раиси сифатида бундай гапни айтишни истамайман ва айта олмайман ҳам. Нима учун? Шунинг учунки, бунда ақл-идрок, идеяларнинг, олимларнинг мусобақаси бўлиши керак, олимлар таклиф этган нарсалар практикада синаб кўрилиши керак ва бу таклифларнинг энг яхшиларини колхоз ва совхозларда жорий қилиш лозим.

Кези келганда шуни айтиш кераки, баъзан нотиқларнинг нутқларидагина эмас, балки бошқа жойларда ҳам «бу иш Марказий Комитетнинг кўрсатмасига мувофиқ қилинди», «бу иш фалон ўртоқнинг кўрсатмасига мувофиқ қилинди» ва ҳоказо гапларни эшитиш мумкин. Баъзан шундай ҳам бўлади — киши бармоғи билан осмонга ишора қилиб, «юқори»дан кўрсатма бўлган, деб писанда қилади. Ана ўшанда гап нимадалигини ўзингиз топиб ола беринг.

Менинг фикримча, юқори инстанцияларни рўкач қилишни суиистеъмол этмаслик керак.

Бундай ўртоқлар ўзларини интизомли ва ижрочи ходимлар қилиб кўрсатмоқчи бўладилар. Аммо бизда ҳеч ким ўйлаб-нетмай «кўрсатмаларни бажариш»ни талаб қилмайди, ишни яхши бажармаслик ёхуд у ёки бу тадбирнинг бажарилишини барбод этиш эса конкрет айбдорни, унинг қандай баҳоналарни рўкач қилишидан қатъи назар, оқлай олмайди. (Қарсаклар).

Партиямиз кадрларни топширилган иш учун юксак жавобгарликни сезиш руҳида тарбияламоқда, бизнинг партиямиз ақл-идрок, шижоат билан иш кўрадиган, умумий ишимизга садоқат билан хизмат қиладиган ҳар бир кишини қадрлайди, унинг обрўсини сақлайди.

Партия шахсга сиғиниш давридаги тартибларни қатъий қоралаган пайтда, у бир кишининг гўё ҳамма нарсани кўриб туриши ва ҳамма ишни бир ўзи ҳал эта олиши каби тартибларни ҳам қоралади. Бизнинг партиямиз коллектив раҳбарликнинг ленинча принципларини тиклаш учун, топширилган иш юзасидан ҳар бир кишининг масъулиятини ошириш учун курашиб келди.

Ўртоқлар ана шу доно ленинча принципга қаттиқ амал қилайлик! (Давомли қарсаклар).

Фан тўғрисидаги масалага қайтиб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтишни истайман. Биз бу масалаларда миллий доираларимиз билангина чекланиб қолмаслигимиз керак. Шуни айтиш мумкинки, фан ўз моҳияти эътибори билан интернационал бир нарса бўлиб, барча мамлакатларда ривожланмоқда. Социалистик мамлакатлар ҳам, капиталистик мамлакатлар ҳам фан ва техникани ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришдилар. Шу сабабли, ўз доирамиз билангина чекланиб қолиш ярамайди. Чет эл фанининг муваффақиятлари капиталистик мамлакатда қўлга киритилган муваффақиятлар бўлгани учунгина уларни ўрганмаслик бемаънилик бўлур эди.

Экономикани тез ривожлантириш учун имконият яратиб берадиган ҳамма нарсадан максимал даражада фойдаланиш ва шу асосда аҳолининг талабларини қондиришга эришмоқ керак.

Практикамизда вужудга келган барча янгиликларни изчиллик билан жорий этиш лозим. Ўртоқ Спивак ўз докладида Киев область, Яготин совхозидаги ўрдак фермаси тўғрисида гапирди. Бу совхоз 1963 йилда 1 миллион 200 минг ўрдак боқиб топширди. Ҳар бир макиёндан ўрта ҳисобда 230 тухум олинди. Бу ерда ўрдакларни семиртириш ва арзон ўрдак гўшти олиш технологияси илмий асосда ишлаб чиқилди. Бу тажриба киножурналда кўрсатилди, бу тўғрида газеталарда мақолалар босилди. Аммо, менинг фикримча, қишлоқ хўжалигида ишлаётган ходимларнинг 90 проценти бу фильмни кўрмаган ва мақолаларни ўқимаган бўлса керак. Бу тажрибани бошқа хўжаликларда жорий қилиш учун ҳеч ким ҳеч қандай иш қилгани йўқ.

Фанга ва илғор тажрибага муносабатнинг пассив формаси худди мана шудир.

Яна бир марта таъкидлаб айтаманки, янгиликни жорий қилишнинг актив формаси зарур. Бу иш учун жавобгар бўлган кишилар, паррандачилик ва тухум етиштириш ташкилотчилари парранда боқиб ўстириш ва кўп миқдорда тухум олиш тажрибасини, масалан, Яготин хўжалигидан, Қрим областидаги «Красний» совхозидан, Томилин паррандачилик фабрикасидан ўрганишлари ва ана шу тажриба асосида ўз хўжаликларида ишлаб чиқаришни ташкил этишлари лозим.

Бизда картошка етиштириш соҳасида ўрнак бўладиган намуналар бор. Кўпгина илғор механизаторлар катта майдонларда қўл меҳнатини сарфламай картошка етиштирмоқдалар. Улар бу майдонлардан мўл ҳосил олмоқдалар. Ҳозирги вақтда илғор кишилар эришган чўққиларга ҳар бир кишининг ўз ақл-идроки билан кўтарилишини кутиб туриш ярамайди. Янгилик, илғор тажрибани жорий қилиш учун шарт-шароит вужудга келтириш, кишиларни танлаб олиш, уларни моддий жиҳатдан манфаатдор қилиш ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш зарур.

Кам ҳосил олаётган механизатор колхоз ёки совхозга жуда қимматга тушади. Ахир, у етиштирилган ана шу кам ҳосил учун кўп маблағ сарф қилади-ку — машиналар банд бўлади, ёнилғи сарф қилинади-ю, лекин маҳсулотни кам беради. Агар колхоз ёки совхоз механизаторга уни рағбатлантирадиган даражада ҳақ тўласа, мазкур маҳсулотни етиштиришда унинг баланд чўққига кўтарилишига ёрдам берса, у ҳолда моддий рағбатлантириш учун бўладиган сарфлар ортиғи билан қопланади.

Маблағларни, албатта, тежаш керак, лекин тежаганда ҳам, оқилона тежаш керак. Маҳсулот етиштиришни рағбатлантириш тўғрисида гап борганда зарур сарфларни қилишдан қайтмаслик керак. Мен картошка етиштириш соҳасидан мисол келтирдим, аммо бу гап бошқа маҳсулотларни — дон, қанд лавлаги, пахта, сабзавот, гўшт, сут ва ҳоказоларни етиштиришга ҳам таалуқлидир.

Кубань колхоз ва совхозлари яхши ишламоқда, уларнинг раҳбарлари ҳам тажрибали кишилардир. Аммо кубанликлар Светличний тўғрисида қачондан бери гапириб келмоқдалар ва тамомила ҳақли суратда гапирмоқдалар, шу йиллар ичида Кубанда ва бошқа районларда Светличнийга ўхшаш қанча киши етишиб чиқди? Оз, ўртоқлар! Шу йиллар ичида Светличний каби минг-минглаб кишиларни ўргатиш мумкин эди, аммо бундай қилинмади. Нима учун? Шунинг учунки, Светличнийнинг тажрибаси тўғрисида умуман гапирамиз, бу билан светличнийлар сони кўпаймайди. Бизнинг механизаторларимиз, партия ташкилотлари, ишлаб чиқариш бошқармаларимиз ўртоқ Светличнийнинг методини чуқур ўрганиб олганларида, бошқа механизаторларни ҳам бу метод билан қуроллантирганларида, иш тамомила бошқача бўлур эди. Ахир, ўртоқ Светличний фолбин, сеҳргар эмас-ку. Унинг қандай ишлаётганлиги ва ажойиб муваффақиятларни қай тариқа қўлга киритаётганлиги маълум. Колхозчилар, ишчилар, тракторчилар орасидан билимдон кишиларни танлаб олингиз, уларга ўртоқ Светличнийнинг иш методларини ўргатингиз, уларга худди шундай машиналарни берингиз, уларнинг меҳнатига тўғри ҳақ тўлангиз. Шундай қилганингизда яхши натижаларга эришасиз, янги светличнийлар ўсиб етишади. Ҳар қандай ишда ҳам шундай бўлиши керак. Бу гап ўртоқ Светличний тажрибасигагина тааллуқли эмас.

Бизда ўртоқ Светличний бир центнер қанд лавлаги етиштириш учун 9 минут вақт сарфлайди, бошқа кишилар эса бир ярим-икки соат ёки икки ярим соат сарф қиладилар, деб кўп гапирадилар. Ҳар сафар ўртоқ Светличнийнинг ўзи тўғрисидагина гапирадилар, аммо, бошқаларнинг ҳам ўртоқ Светличний каби ишлашлари учун ҳеч қандай чора кўрмайдилар.

Илғор тажрибага бундай муносабатда бўлиш ярамайди, активроқ ҳаракат қилиш керак. Буни амалий равишда қандай юзага чиқариш керак? Ўртоқ Светличнийга мурожаат қилиб, унга кишиларни ўргатишни топширингиз, ана шу кишиларга таълим бериш учун уни моддий жиҳатдан рағбатлантирингиз.

Ёки ўртоқ Первицкийга маккажўхори етиштиришдаги ўз методларини Кубань механизаторларига ўргатишни топширингиз. Механизаторлар билимли кишилар, партиямизнинг идеялари билан илҳомланган кишилардир. Башарти, уларни махсус билимлар билан, илғор тажриба билан қуроллантирадиган бўлсак, улар тоғни талқон қилиб юбора оладиган кишилардир.

Ҳаммангиз ўртоқ Гиталовни биласиз. Бу ажойиб киши неча йиллардан буён самарали ишлаб келмоқда. У ўз бригадасини тузди. Украинада ўртоқ Гиталов бошлиқ бригада каби қанча бригада бор? Ҳозирча жуда кам. Нима учун? Шунинг учунки, унинг тажрибасини пропаганда қилишга кўпинча ҳали ҳам пассив муносабатда бўлмоқдалар, унинг тўғрисида айтилган гаплар ва ёзилган мақолалар билан чекланиб қолинмоқда. Ахир, қалам, сиёҳ, қоғоз ер ҳайдаб, маккажўхори экмайди-ку, маккажўхори ҳосилини йиғиштириб олмайди-ку. Кўпинча умумий гаплар ҳеч қандай наф бермайди. (Залда жонланиш, қарсаклар).

Пленумда ўртоқ Дворецкий қўшимча доклад қилди. Мен қўриқ ерларда у билан бир неча марта учрашганман. У, совхоз директори эди ва жуда яхши ишлар эди. Қозоқлар уни республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳамда тайёрлаш министри лавозимига кўтариб, жуда тўғри иш қилдилар, деб ҳисоблайман. У етилган баъзи масалаларни ўртага қўйиб тўғри қилди, ҳозирги вақтда донни йиғиштириб олиш, ўриш ва янчиш ишлари механизациялаштирилганлиги тўғрисида гапирди. Аммо похолни йиғиштириб олиш учун эса икки баравар кўпроқ меҳнат сарф қилишга тўғри келади, деди. У, машинасозларга мурожаат қилиб, похолни йиғиштириб олишни механизациялаштиришда ёрдам беришни сўради. Бу масала ҳал этилган-ку. Ўрилган донни йиғиштириб олиб, янчиб берадиган комбайн бор, бу комбайн похолни майдалайди ва бункерга йиғиб беради. Похолни йиғиштириб олишни механизациялаш учун комбайн моторининг қувватини ошириш ва қўшимча миқдорда ёнилғи сарфлашгина талаб этилади. Бундай қилганда, бўладиган сарфлаф ҳозирги вақтда колхоз ва совхозларнинг похолни эски усуллар билан йиғиштириб олиш учун қилаётган жуда катта сарфларидан кўп даража кам бўлади.

Мен, похолни майдалаб ҳам берадиган комбайн агрегатини бундан икки йил муқаддам Харьковда кўрган эдим. Бу агрегат ўша вақтдаёқ Украинада ишлатилар эди. Бу агрегатдан Қозоғистонда нима учун фойдаланмайдилар? Ҳолбуки, совхозлар похолни йиғиштириб олиш учун миллион-миллион сўм маблағ сарф қилмоқдалар. Аммо биз миллион-миллион маблағларни бой берибгина қолмаётирмиз. Совхозлар похол йиғиштириб олишни кечиктириш билан келгуси йилда ҳосил етиштириш учун ноқулай шароит вужудга келтирадилар. Похол йиғиштириб олинмаса, ерни шудгор қилиб ҳайдаб қўйиш мумкин эмас. Бу тадбир ёзи қисқа бўладиган Қозоғистон ва Сибирь учун муҳимдир. Шу сабабли, шудгор қилиш учун фурсатдан ютиш, келгуси йилда ҳосил олиш учун яхши асос яратиш мақсадида ҳосил ўрим-йиғимидаги ҳамма ишларни максимал даражада механизациялаш керак.

Ишлаб чиқариш бошқармалари деҳқончилик соҳасида ҳам, чорвачилик соҳасида ҳам хўжаликнинг ҳар бир тармоғи билан конкрет шуғулланишлари лозим. Масалан, ўртоқ Светличний ва бошқа новаторлар лавлаги етиштиришда юксак кўрсаткичларга эришган эканлар, барча лавлагикорлар бу тажрибани ўрганишлари лозим. Светличний фойдаланаётган механизмлар турларини зарур миқдорда вужудга келтириш керак, токи бошқа колхоз ва совхозлардаги лавлагикорлар ҳам унинг методи асосида ишлайдиган бўлсинлар. Мен шунга аминманки, кишиларни танлаб олиш, уларни ўргатиш мумкин ва бир-икки йил ичида, кўпи билан уч йил ичида лавлаги етиштиришда яхши натижаларга эришиш мумкин.

Агар ходимлар янгиликни ўрганиш ва жорий қилишни истамасалар, фан ва практика ютуқларини ўрганишга жуда ҳам ожиз бўлсалар, эскиликка зўр бериб ёпишиб олаётган бўлсалар, у ҳолда бундай кишиларни алмаштириш ва янги кишиларни кўтариш керак. Бизда коммунистик жамият қуриш учун завқ-шавқ билан курашаётган миллионларча ажойиб кишилар, миллионларча билимли йигит ва қизлар бор. Бундай кишиларни кўтариш керак.

Хуллас, кадрлар билан ишлашда ҳам актив формани қўлланиш лозим. Шундай ҳам бўладики, масалан, колхоз раиси ёки совхоз директори Стенька Разин ҳақидаги қўшиқда айтилган пўпанак босган қоядек бўлиб қолади. Қояни емириб ташлаш қийин. Аммо, пўпанак босган консерватордан халос бўлиш керак ва адабиётни ўқийдиган, фан ва илғорларнинг ютуқларини кузатиб борадиган ҳамда энг яхши нарсаларнинг ҳаммасини ўз хўжалигида жорий қила оладиган серғайрат, ақли расо кишини кўтариш керак.

Бу, ўртоқлар ҳозирги пайтда энг асосий нарсадир. Бусиз муваффақиятли суратда олға силжиб бўлмайди. Биз кишилар билан доим иш олиб боришимиз, жанговар, актив кадрларни тарбиялаб ўстиришимиз, ташкилий ишни такомиллаштиришимиз керак. (Қарсаклар).

Фан ва илғор тажриба ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун қишлоқ хўжалик ходимларининг, илмий муассасаларнинг, олимларнинг жавобгарлигини ошириш керак. Олимлар ишлаб чиқаришга актив ёрдам беришни ўз бурчи деб ҳисоблашлари лозим. Ўртоқ Воловченконинг докладида келтирилган фактлардан бирига эътиборингизни жалб этмоқчиман.

У, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш Бутуниттифоқ институтининг директори ўртоқ Смирновни ўз ҳузурига чақириб, «Михайловское» совхози фермаларини одамларга шу совхоз мисолида ўрганиш имконини берадиган даражада электрлаштиришга ёрдам беришни илтимос қилганлигини айтиб берди.

Ўртоқ Смирнов бундай жавоб қайтарган:

— Бу фан эмас-ку, ўртоқ министр.

Ўртоқ Смирновнинг бу ерда борлиги ё йўқлигидан хабарим йўқ, аммо унга шундай савол беришни истар эдим: ишлаб чиқаришни электрлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш фан бўлмаса, у ҳолда сиз нимани фан деб атайсиз?

Ишлаб чиқаришдан четда турган ва нима қилаётганлигини ва ким учун ишлаётганлигини билмайдиган олим — олим эмас, у халқнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлмайди.

Ана шундай сохта олимлар билан курашмоқ учун фанни ёввойи ўтлардан тозалайдиган қандайдир гербицидларни яратиш яхши бўлур эди. Бу чора нечоғли тез амалга оширилса, чин олимлар, фаннинг меҳнаткаш асаларилари яратаётган нарсаларни эркак асалари каби еб нес-нобуд қилаётган ҳаромтомоқлардан, шилқимлардан нечоғли тез халос бўлсак, қишлоқ хўжалиги учун шу қадар кўп манфаат келади.

КПСС Марказий Комитети машҳур селекциячи-олим ўртоқ Лукьяненкони кандидатлик стажини ўтмай партияга қабул қилганлиги тўғрисидаги хабар бугун матбуотда эълон қилинди. (Қарсаклар).

У ҳақиқий олимдир. Бизнинг партиямиз, бизнинг халқимиз бундай олимлар билан фахрланади. (Қарсаклар).

Ҳақиқий олимларга бутун чоралар билан ёрдам бериш ва уларни қўллаб-қувватлаш керак. Бизда илмий муассасалар шохобчалари кўп. Мамлакатнинг ҳамма қисмида илмий тадқиқот институтлари ҳам, ўқув юртлари ҳам, тажриба станциялари ҳам бор. Биз олимларимизнинг кўплари самарали ишламоқдалар, халққа жуда катта фойда келтирмоқдалар деб кўп марта айтиб келдик ва мен ҳозир ҳам шуни таъкидлаб ўтишни истайман. Бу олимларга таяниб, илмий муассасаларнинг ишини янада яхши уюштиришимиз, ҳамма жойда ижодкорлик вазиятини вужудга келтиришимиз, фанни ишлаб чиқариш билан янада маҳкам боғлашимиз керак.

## ДОН ВА БОШҚА ЭКИНЛАР ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИДАН ТЎЛА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Ўртоқлар! Биз бутун партиянинг, қишлоқ хўжалигидаги барча ходимларнинг эътиборини дон етиштиришни кўпайтириш вазифаларига жалб этмоғимиз керак.

Давлат планига мувофиқ, 1964 йилда дон тайёрлаш 4 миллиард 100 миллион пудга етказилиши, шу жумладан республикалар бўйича қуйидаги миқдорларга етказилиши керак:

| | |
|---|---|
| Россия Федерацияси | 2341 |
| Украина | 700 |
| Белоруссия | 21 |
| Ўзбекистон | 15 |
| Қозоғистон | 925 |
| шу жумладан Қўриқ ўлка | 726 |
| Грузия | 13 |
| Озарбайжон | 10 |
| Литва | 7 |
| Молдавия | 34 |
| Латвия | 7 |
| Қирғизистон | 11 |
| Тожикистон | 3 |
| Арманистон | 3,7 |
| Туркманистон | 1,5 |
| Эстония | 3,7 |

Бу рақамларни Госплан тузиб чиққан. Аммо, бир қанча республикаларнинг имкониятлари бундан анча кўпроқ бўлса керак. Масалан, ўртоқ Рашидов менга Ўзбекистон 1964 йилда давлатга 35-40 миллион пуд дон сотиш учун курашади, деб айтди. Давлатга шунча миқдорда ғалла сотиш таъмин этиладиган бўлса, бу жуда яхши иш. Афтидан, бошқа республикалар ҳам дон етиштиришни кўпайтириш учун ўзларида қўшимча имкониятлар топа олсалар керак.

Марказий Комитетнинг декабрь Пленумида асосий қишлоқ хўжалик районларида, шунингдек суғориладиган деҳқончилик районларида дон етиштиришни кўпайтиришнинг энг асосий йўллари кўрсатиб берилган эди.

Ҳозир муҳим вазифа шуки, фурсатни қўлдан бермаслик керак. Ҳосилдорликни ошириш вазифасини минерал ўғитларга бўлган эҳтиёжлар тўлиқ қондириладиган даврда ҳал қиламиз, деб пайсалга солиб қўйсак, бу нарса кечирилмас хато бўлур эди.

Шу йилнинг ўзидаёқ Украинада, Шимолий Кавказда, Марказий Қоратупроқ районлари ва бошқа районларда кузги экинлар ҳосилдорлигини ошириш учун нималар қилиш кераклигини яхши ўйлаб кўрмоқ зарур.

Академик Лукьяненконинг айтишича, масалан, кузги экинлар эрта баҳорда озиқлантирилса, худди кузда солинган ўғитчалик натижа беради.

Шу сабабли, қишлоқ хўжалигига берилган минерал ўғитларнинг ҳар бир килограммидан омилкорлик билан фойдаланиб, бу ўғитларни ҳосилга энг кўп ҳосил қўша оладиган районларга ва хўжаликларга юбориш керак.

Ҳар бир совхозда ва колхозда ақалли кичкинагина бир участка ажратиб, тажрибалар қилиб кўриш, минерал ўғитлардан тўғри фойдаланишни ўрганиш ва буни бошқаларга ҳам ўргатиш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакат баҳори буғдойнинг асосий қисмини Сибирь, Қозоғистон районларидан, Поволжье, Урал областлари ва бошқа баъзи областлардан олиб келмоқда. Жойлардан келаётган хабарларга қараганда, бу йил қўриқ ер районлари нам билан анча яхши таъминланган. Бу эса ҳосил учун курашда қулайроқ истиқболлар яратиб бермоқда.

Шу сабабли, қишлоқ хўжалик ходимларининг эътиборини экишга тайёргарлик кўришга, ҳамма совхоз ва колхозларни сара уруғлар билан таъминлашга қаратмоқ керак. Кадрлар тайёрлаш, техникадан яхшироқ фойдаланиш лозим.

Пленумда экиш муддатлари тўғрисидаги масала кўтарилди. Ўзини бошқалардан илгари экинларни экиб олдик, деб кўрсатишга интиладиган раҳбарларнинг маъмуриятчилик жазавасини босиб қўйиш керак. (Қарсаклар). Экинларни эрта ҳам, кеч ҳам экмасдан, энг яхши муддатда экиш лозим.

Қишлоқ хўжалиги билан шуғулланаётган одамлар эса қайси зонада қайси экинни қандай муддатларда экиш кераклигини билишади.

Зарур бўлган зоналарда тоза шудгорлар сақлаш керак, ўртоқ Бараев эса, — мен уни шахсан танийман, хўжалигида бўлганман, — 20 процент тоза шудгор сақлаш керак, деган гапни эҳтиёткорлик билан айтдида, кейин 12 процент деб гапини тузатиб олди. Мен тузукроқ эшита олмай қолган эдим, йигирма процентми, деб сўрадим. У дарров — ҳа, 12 процентдан кўра йигирма процент маъқулроқ, деди. Модомики, йигирма процент маъқулроқ бўлса, майли, ўртоқлар, 20 процентга рози бўлаверайлик. Бу нарса иқтисодий жиҳатдан самарали бўлиб, ялпи дон ҳосилини камайтириб юбормайди.

(Давоми тўртинчи бетда).

